

Қашқадарё	0,18	58,74
Республика бўйича:	0,22	86,13

Физкультура ва спорт

ҲАР КУНИ ВА ҲАМИША

Эрта тонг. «Юбилей» Марказий спорт саройи бекатда болакани етаклаб бораётган аёлга кўлим тушди. Болаканининг кўлида кончили ботики. Иссик кунда бу ҳол қизиқ кўринди. Шу боис болаканига ақиллашиб, гапга тушдим. У болаларга хос соддалик билан саволларимга жавоб берди.

— Андрей Кононовман. Ешим саккизда. 176-мактабнинг 2-«а» синфида ўқийман. Ҳозир онам билан бирга кончида учиб мусобақалари бўлаётган муз майдонига бормоқдам. Мусобақадан кейин одатдагича машқ қиламиз... Спорт мастери бўламан.

Унинг қатъий сўзлари мени саройга ундади. Сухбатлашиб машқ ўтказилётган муз майдонига кирдик. Бу ерда кончида фигурали учиб мактабининг директори Г. Жоржолдаев билан учрашдим. У шундай деди:

— Урта Осиёда ягона бўлган кончида учиб мактабимизнинг ташкил этилганига 15 йил бўлди. Утган давр мобайнида бу ерда 15 спорт мастери ва 50 дан зиёд спорт мастерлигига кандидат тайёрланди. Йил сайин машгулотларда қатнашаётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Ҳозир мактабимизда 300 дан зиёд турт ёшдан 15 ёшгача бўлган қиз ва ўғил болалар шугулланмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг камол топиши, улар учун зарур спорт анжонларини муҳайё

этиш, шароит яратишга «Динамо» кўнгилли спорт жамияти ташкил қилди. Ўзирини айтганда, ўша кун мен учун омадли бўлди. Бу ерда ташкил этилган мусобақаларда қатнашиш учун Москва, Днепротропск, Харьков шаҳарларидан спортчилар келишган экан. Москваликларнинг составида жакон чемпионлари Наталья Линичук ва Геннадий Карпоносовларнинг шогирдлари ҳам бор экан. Улар билан беллашуларда тош-

кентлик фигурчилар куч ва маҳоратларини синодан ўтказиш имконига эга бўлишди. Мусобақаларнинг бош судьяси, Бутуниттифоқ тоифасидаги судья Евгений Розин билан учрашиб, ундан тошкентликларнинг иштироки ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдим.

— Бугун «Динамо» кўнгилли спорт жамияти республика Совети оқиб биринчилигининг сўнгги кун. Беллашуларда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган 60 дан зиёд

фигурчи қатнашмоқда. Маҳорат борасида москваликларнинг устунилик ақол сезилиб турди. Лекин тошкентликлар ҳам буш келишмади. Жумладан, яқин учунлар баҳсида иштирок этган 16 йилли спорт мастери Саодат Ёшмонова юксак маҳорат кўрсатди. Ҳозир Тошкент давлат университетининг студенти бўлган бу қиз мураккаб машқларни хатосиз бажариб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Шу вақт яна музика садолари янгради. Муз майдонига 242-мактаб ўқувчилари А. Стергиад ва Р. Зангионов пайдо бўлишди. Улар рақсини жуда катта тезликда ва маҳорат билан бажаришди. Тошкентликлар уларни доволми қараслар билан оқчилашди. Улар умумий якунда иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Шундай қилиб, навбатдаги мусобақалар якунланди. Серкўш Тошкент фигурчилари эришган муваффақиятларга машгулотларнинг мунтазам ва мазмунли ўтаётганлиги асосий омили бўлди. Шундай, бу ерда белгиланган план асосида ҳар кун ва ҳар доим машгулотлар бўлади. Уларда иштирок этган тошкентлик йигит ва қизлар маҳоратларини чархлаб, йирик мусобақаларда иштирок этишга тайёрланишмоқда.

Мактаб зинги хоҳловчилар учун ҳамиша очик. Фақат улар медицина справкисига эга бўлишлари керак. Музика қобилич талаб даражасида бўлса, улар бемалол мактабга келиб, машгулотларда иштирок этишлари мумкин.

В. МИХАЙЛОВ.

СУРАТЛАРДА: А. Кононов машгулотга тайёрланмоқда; тренер, спорт мастери Л. Попова кичикчилар А. Микше-ва ва Р. Гилга кончида турини ўргатмоқда.

В. Миленький фотолари.



«Пахтакор»нинг рақиблари

«Даугава»
(Рига)

БУГУН

«Пахтакор» Марказий стадионда футбол бўйича мамлакат биринчилигининг сўнгги тур учрашувларидан бири бўлади. Тошкентликлар Рига шаҳрининг «Даугава» командаси футболчилари билан беллашади.

«Даугава» командаси 1948 йилда ташкил этилган. Орадан бир йил ўтгай олий лигада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган. Кўчлар даврасида энг яхши натижага 1951 йилда эришган. Ушунда ригалик футболчилар мавсумини 11-ўринда якунлашган эди.

«Даугава» 1970 йилдан буюн биринчи лигада иштирок этиб келмоқда. Кейинги икки мавсум коллектив учун омадли бўлди. Утган йили биринчи лигада биринчи ўринни эгаллаб, олий лигада ўтиш турнирида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Аммо, муваффақиятсизликка учради.

«Пахтакор» «Даугава» билан 1960 йилда олий лига доирасида ilk марта май-

донда куч синашган. Ригадаги учрашувда ҳамшаҳарларимиз 0:4 ҳисобида енгилган. Тошкентдаги учрашувда эса 1:0 ҳисобида ғалабага эришганлар. 1964 йилдаги учрашуларда тошкентликлар маҳорат кўрсатишган. Улар Ригада 2:1 ҳисобида ғалабага эришиб, Тошкентда 0:0 ҳисобида очколарни бўлашиб олишган.

Бу йилги мавсумнинг биринчи даврадаги учрашувда омад ригалик футболчиларга ёр бўлган. Улар пахтакорчиларни 7:0 ҳисобида енгитишган.

«Даугава» бу йилги мавсумда ҳам чиройли ўйин кўрсатиб, футбол мухлисларини хушнуд қилмоқда. У биринчи лигадаги энг кам мағлубиятга учраган, рақиблар дарвозасига энг кўп тўп киритган командадир. Айни пайтда ригалик футболчилар дуранглар лимитидан фойдаланиб бўлишган. Шу боисдан ҳам улар ғалабага интилишлари табиий.

Редактор

Т. М. ҚОЗҚОБОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/ХI да Зебуниссо (19.00), 16/ХI да Гўзал Василка (12.00), Риголетто (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/ХI да Зебуниссо, 16/ХI да Курорт.

МУЗИКИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/ХI да Ур, тўқмоқ (15.00), Хийла шаръий (19.00), 16/ХI да Ташболта ошиқ.

КИНО

15 НОЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЧИЧЕРИН» — Тинчлик (16, 18, 30, 21.00; телефон 58-36.06), ВЛКСМ 30 йиллиги (17, 20.00; телефон 33-44-52).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Искра (16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ЎЗИНГ АСРА МЕНИ, ТУМОРИ!» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (18.00; телефон 78-47-25).

«РАҚСГА ТУШИШНИ ЎРГАН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (16, 20, 21.30).

«ОЛТИН ЛАНГАР» ЛИК БАРМЕН — К. Ерматов номли (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ЭГИЗЛАКЛАР НАЙРАНГИ» — Ватан (16, 18, 20, 21.30; телефон 91-14-61).

«КИРОЛ КИЗИҚИСИ» — Восток (16, 18, 20, 21.30; телефон 91-14-61).

«ЎШНИ АЕЛ» — Қозоғистон (соат 12 дан бошлаб ҳар соатда, телефон 35-24-92). Москва (15, 17, 19, 20.40).

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ!» — Янгйобод (15, 17, 19, 21.00; телефон 96-36-21).

«ЛУИЗИАНА» — Санъат саройи (катта зал, 16, 18, 30, 20.40; телефон 44-21-44, 44-21-34). Чайка (16, 18, 30, 21.00; телефон 77-06-20).

«ШАКТИ» — Санъат саройи (кичик зал, 17, 20.00).

16 НОЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЧИЧЕРИН» — Тинчлик (13, 16, 18, 30, 21.00; телефон 58-36.06), ВЛКСМ 30 йиллиги (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Искра (12, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«АСР ПОЙСАГ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11.00, телефон 53-65-87).

«ЎЗИНГ АСРА МЕНИ, ТУМОРИ!» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (10, 14, 18.00; телефон 78-47-25).

«РАҚСГА ТУШИШНИ ЎРГАН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (12, 16, 20, 21.30).

«ОЛТИН ЛАНГАР» ЛИК БАРМЕН — К. Ерматов номли (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ЭГИЗЛАКЛАР НАЙРАНГИ» — Ватан (12, 14, 16, 18, 20, 21.30; телефон 91-14-61).

«КИРОЛ КИЗИҚИСИ» — Восток (12, 14, 16, 18, 20, 21.30; телефон 91-14-61).

«ЎШНИ АЕЛ» — Қозоғистон (соат 12 дан бошлаб ҳар соатда, телефон 35-24-92). Москва (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ!» — Янгйобод (11, 13, 15, 17, 19, 21.00; телефон 96-36-21).

«ЛУИЗИАНА» — Санъат саройи (катта зал, 11, 13, 30, 16, 18, 30, 20.40; телефон 44-21-44, 44-21-34). Чайка (11, 13, 30, 16, 18, 30, 21.00; телефон 77-06-20).

«ШАКТИ» — Санъат саройи (кичик зал, 11, 30, 14, 17, 20.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Йиртқиқ ҳайвонлар» аттракционининг хайрлашув гастроллари (15/ХI да 16, 19.00 да).

Тошкент хўжалик ҳисобиди вагон-ресторанлар корхонасининг йўқолган ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташплодоовиш» бирлашмаси Ленин район ултурикчакана конторасига нарасли 23-магистининг йўқолган ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент сут комбинатига берилган «Сотув бўлимининг экспедиции № 43» ёзуви йўқолган ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини шу бирлашма бош корхонасининг некса ичмаси, меҳнат ветерани, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Маннон АБДУЛЛАЕВИНинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия наҳор қилади.

реклама эълонлар реклама

Тошкент шахри аҳолиси диққатига!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ СТРУКТУРАСИНING ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ РАВИШДА ҚУНИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Ҳамза райони телефон алоқа узели таркибига кирувчи 21/24-АТС, 32/33-АТС, 34, 35, 39, 62, 64, 65, 67 ва 68-АТСлар қуйидаги адресда жойлашган: Софийский проспекти, 2-уй.

34-АТС (2, 25, 28, 29-трамвайлар; 8, 9, 51, 156-автобусларнинг «Геологоразведка» бекати).

Телефонлар: бошлиқ — 35-04-25.

бош инженер — 35-09-10.

Ленин район телефон алоқа узели таркибига кирувчи 55, 56, 90, 91, 96-АТСлар қуйидаги адресда жойлашган: Манжара кўчаси, 6-уй. 91-АТС (5, 26-трамвайлар; 12, 37, 60-автобусларнинг «Қорасув» бекати).

Телефонлар: бошлиқ — 91-04-25.

бош инженер — 91-09-10.

Собир Раҳимов район телефон алоқа узели таркибига кирувчи 29, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 48. АТСлар қуйидаги адресда жойлашган: Қорақамийш 2/4, Ўзбобов кўчаси, 21-уй. 29-АТС (27-трамвай; 65, 85-автобусларнинг «33-полк-линика» бекати).

Телефонлар: бошлиқ — 29-04-25.

бош инженер — 29-09-10.

Чилонзор район телефон алоқа узели таркибига кирувчи 57/58, 74/75, 76, 77, 78-АТСлар қуйидаги адресда жойлашган: Чилонзор массиви, 3-квартал, 46-уй. 77-АТС (16, 19, 7-троллейбуслар; 50, 54, 1, 94, 138, 153-автобусларнинг «Чилонзор савдо маркази» бекати).

Телефонлар: бошлиқ — 77-04-25.

бош инженер — 77-09-10.

Ҳар бир телефон узелида иш юритиш цехи мавжуд бўлиб, у граждандарнинг телефонлар ўрнатиш юзасидан берган аризаларини ўқити олади ва уларга билдирув қорози берган ҳолда телефон ўрнатиш ишларини ташкил этади, яқин вақт ичида телефон тушириб бериш имконияти ҳақида оғзаки маълумот беради, телефонлар ўрнатиш масалаларини ҳал этиш ва аниқлаш учун граждандарга таклифнома-лар жўнатади. Телефон ўрнатганлик учун тўланадиган ҳақларни қабул қилади, иш жойларида янги телефон аппаратури ўрнатишни ташкил этади. Телефондан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб юритиш юзасидан ҳисоб-китоб дафтарчалари (абонементлар) беради.

Ҳар бир телефон узели телефон аппаратури ремонт қилиш бўйича ўз устaxonасига эга:

Телефонлар: 29-56-95 — 29-АТС.

34-37-77 — 34/35-АТС.

77-86-05 — 77-АТС.

Телефонларнинг ёмон ишлаётганлиги юзасидан АТСларда линия катта инженерлари томонидан абонентлар қабули уюштирилган:

Қабул соатлари: сешанба — соат 9 дан 11.00 гача; жума — соат 9 дан 11.00 гача;

Шунингдек, узел раҳбарлари томонидан қабул қабул соатлари — узел бошлиғи: душанба — соат 15.30 дан 19.00 гача;

пайшанба — соат 9 дан 13.00 гача.

Бош инженер — душанба соат 9 дан 12.00 гача;

шанба соат 10 дан 13.00 гача.

Телефон ўрнатиш (кўчириб ўрнатиш, қайта расмийлаштириш) масалалари бўйича абонентлар ҳар бир узелнинг абонентлар бўлими томонидан ҳар кун (чоршанба ва якшанбадан ташқари) қабул қилинади:

қабул соатлари — соат 9 дан 19.00 гача, танаффус соат 13 дан 13.45 гача.

Узелнинг иш бажариш цехи бошлиғи томонидан қабул қабул соатлари: сешанба — соат 16 дан 18.00 гача; жума — соат 11 дан 13.00 гача.

Тошкент шаҳар телефон станцияси бошлиғининг ўринбосари (олдиндан ёзилиш тартиби билан) — қабул соатлари: шанба — соат 10 дан 13.00 гача.


Тошкент шаҳар телефон станциясининг бошлиғи (олдиндан ёзилиш тартиби билан) —

қабул соатлари: душанба — соат 15.30 дан 19.00 гача қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 17-уй.

«РУБИН»

Бу радио ва телевизор аппаратуралар ремонт заводининг номи бўлиб қолмай, аввало бажаришган иш сифати ва буюртманинг ўз вақтида бажарилиши кафолатидир. Бу устaxonада қандай хизмат турлари бажарилади?

Барча марказдаги рангли ва оқ-қора тасвири станцион ва кўчма телевизорларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш ишлари бажарилади.



Телевизорлар ремонт қилиш учун заводга на уйга устaxonа транспортида етказиб берилди.

Телевизор аппаратуралари ремонтни оддий ва кафолатлидир.

Сизга устaxonа билан телевизорларга абонемент хизмати кўрсатиш юзасидан шартнома турлини маслаҳат берамиз. Бу қулай ва фойдали усуллар.



Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Охандарон поссеси, 11-уй (6, 29-трамвайлар, 80, 161, 171-автобусларнинг «Тожиқ маҳалла» бекати. Телефонлар: 96-38-71, 96-45-72.

«Рубин» заводи филиалида ҳар қандай марказда радиопримениклар, магнитофонлар, усилителлар ремонт қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 17-уй. Машиный хизмат уйи. (3, 23-трамвайлар, 48, 72, 80, 161-автобусларнинг «Авиасозлар маданият саройи» бекати). Телефон 96-43-52.

Хуш келибсиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

15 ноябрь соат 17.00 да СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ДАУГАВА» (Рига) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ИШКИБОВЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Коллектив заявклар қабул қилинмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

15—16 НОЯБРДА

АРМАНИСТОН ССРда ХИЗМАТ

КЎРСАТГАН АРТИСТ

М. БАГДАСАРОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

«ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР»

АТТРАКЦИОННИНГ

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар: 15 ноябрда соат 16 ва 19.00 да; 16 ноябрда соат 10.30 да, 12.30 да, 15, 18.00 да бошланади.

Коллектив ваъдалар қабул қилинмоқда.

Касса соат 9 дан 20.00 гача ишлайди.

Справклар учун телефон: 44-35-91, 44-35-84.

Балиқ консерваси

Етда, томат қайласида пишириб тайёрланган балиқ консерваси турли хил таомлар тайёрлаш учун масаллиқ ўрини босади. Бу хушхўр таомлар, бутербродлар, балиқ шўрваси ва ниҳоят қуёқ таомдир.

ПАШТЕТ

Етда пиширилган бир банка балиқ консерваси (майда сельдь ёки сардин), уч дона тухум ва бир бош пийёз. Пийёзни майда, тухумни донадор тўғралади, балиқ бўлаклари билан қоритирилади, устига консерва банкасидаги ёғ қуйилади. Салатдонга солиб ош-қўн билан безақланади. Бундай паштет парралланган пишлоқ ва қаймоқ билан қўшиб тановул қилинади.

КАМЧАТКАЧА САЛАТ

Қайнатиб пиширилган сабзавотлар (нартошкя, лавлаг, сабзи) парраклаб тўғралади ва кўк нўхот билан қоритирилади.

Консерваланган скумбрия ёки ставрида банкасида олиниб тўғралади. Ҳаммаси аралаштирилиб, қаймоқ ва банкада қолган ёғ қуйилади.

Масаллиқ салатдонга солинади, устига тўғраланган тухум, сархил бодринг ва кўк пийёз қўйилади.